



LITERATURE ON THE SPIRITUAL LIFE OF THE KYRGYZ PEOPLE IN THE 70-80S OF THE XX CENTURY

Samandar Salimov

Lecturer

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: classical music, Buzruk, Rost maqom, instrument and song, “mental attack”, “chain”, “step by step”.

Received: 14.06.22

Accepted: 16.06.22

Published: 18.06.22

Abstract: It is well known that after the collapse of the Soviet state, its constituent states gained their independence one by one, and it became a topical issue to write the history of the new state in them. In some places, there have been cases of artificial antiquity of the history of their country, the creation of a history based on myths and fairy tales. In most cases, historical literature published after 1990 did not reach the historians of the neighboring state. It can be seen that the organization of scientific conferences between the fraternal peoples, the implementation of joint scientific expeditions has slowed down.

XX АСРНИНГ 70-80 ЙИЛЛАРДА ҚИРҒИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИГА ОИД АДАБИЁТЛАР

Самандар Салимов

Ўқитувчи

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: XX асрнинг 70-80 йиллари, СССР, Марказий Осиё, “Қайта қуриш”, Манас”, “Семетей”, “Сейтек”.

Аннотация: Маълумки, совет давлати парчалангандан сўнг унинг таркибидаги давлатлар бирин-кетин ўз мустақиллигига эришди ва уларда янги давлат тарихини ёзиш долзарб масалага айланди. Баъзи ўринларда ўз давлати тарихини сунъий тарзда қадимийлаштириш, афсона ва эртакларга асосланган тарихни яратиш ҳоллари ҳам кузатилди. Кўпчилик ҳолларда

1990 йилдан кейин нашр қилинган тарихий адабиётлар кўшни давлат тарихчилари кўлигача етиб бормаган. Қардош халқлар ўртасида илмий конференциялар ташкил қилиш, бирлашган ҳолда илмий экспедицияларни амалга ошириш каби ҳолатлар бироз сустралганини кўриш мумкин.

ЛИТЕРАТУРА О ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ КЫРГЫЗОВ В 70-80-Х ГОДАХ XX ВЕКА

Самандар Салимов

преподаватель

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: 70-80-е годы XX века, СССР, Средняя Азия, «Реконструкция», «Манас», «Семетей», «Сейтек».

Аннотация: Общеизвестно, что после распада Советского государства государства, входящие в его состав, одно за другим обретали независимость, и в них остро встал вопрос о написании истории нового государства. Кое-где имели место случаи искусственного устарения истории своей страны, создания истории на основе мифов и сказок. В большинстве случаев историческая литература, изданная после 1990 г., не доходила до историков соседнего государства. Видно, что организация научных конференций между братскими народами, осуществление совместных научных экспедиций замедлились.

КИРИШ

XX асрнинг 70-80 йилларда қирғиз маънавий ҳаётига оид адабиётлар таҳлил қилинганда зиддиятли ҳолатга дуч келамиз. 1970 йилларда ёзилган ишларда “яшасин СССР”, социализм, СССРнинг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва маданияти ривожига кўшган чексиз “ҳиссаси” ўрганилган бўлса, 1980 йилларнинг ўрталаридан вазият ўзгаргандек кўринади. Миллий маданиятни тиклаш, дostonларнинг халқ маънавий ҳаётида тутган ўрни сингари масалалар етакчи ўрин тутган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Биринчи турдаги тадқиқотлар сирасига С.А. Токтоғонов, И.Қиличов, И.Рибакова, Ж.Умиталиева, Ж.Татибекованинг илмий ишларини қиритишимиз мумкин. Иккинчи гуруҳ эса қуйида батафсил таҳлил қилинади.

“Қайта қуриш” йилларида Қирғизистон маданият тарихида янги саҳифа очилди. Тарихий жараёнларни объектив ва чинакам очиб бериш учун қулай шарт-шароитлар

яратилди. Буни республика газеталари саҳифаларида чоп этилган бир нечта мақола тасдиқлайди. Мазкур мақолалар қирғиз халқининг маданий мероси масалаларини ўрганишда янги ёндашувлар зарурлигини англатар эди. 1980-йилларда олимлар оқин Қалигул, Арстанбек, Мўлла Килич, Мўлла Нияз каби дostonчилар тарихини ўрганди. Зеро, дostonлардаги фикрларни таҳлил қилиш ва дунёқарашларни ўрганиш асосида қирғиз халқининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрлаш хусусиятлари кўрсатиб бериш имконияти вужудга келган эди. Жамиятни демократлаштириш жараёнида яратилган қулай шарт-шароитлар юқорида қайд этилган масалаларни ҳар томонлама ўрганишга ўз ҳиссасини қўшди. Хусусан, 1989 йил январь ойида Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бюроси Мўлла Килич (Шамирканов) ва Кастма Тинистановнинг ижодий мероси масаласини кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича қарорда: “Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг 1960 йил 5 январдаги қарори ўзгартирилсин” Қирғизистон адабиётининг асосчиларидан бири, миллатчи деб қораланган Қосим Тинистанов тўла оқсансин. К.Тинистанов ва Мўлла Қилич маънавий мероси кенгроқ ўрганиш ва нашр қилиш ишлари амалга оширилсин”. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши республиканинг тегишли муассасалари ва илмий марказларига топширилди. Республиканинг миллий маданиятининг буюк вакиллари, адабиётшунос ва файласуфларининг ижодий меросини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтирилди. Қалигул, Арстанбек, М.Қилич ва М.Ниёзнинг фалсафий, эстетик фикрга оид асарлари бўйича қирғиз ва рус тилларида тадқиқотлар олиб борилди ва бир неча асарлар нашр этилди. Қирғиз халқининг ижтимоий ва фалсафий фикрларнинг ривожланиш босқичлари ва йўналишлари аниқланди. Совет тарихшунослигида маълум бўлганидек, юқорида келтирилган оқин-тарихчиларнинг ишлари русларга қарши деб ҳисобланарди. Ўша даврларгача совет ва қирғиз тарихчилари, файласуфлари ва адабиётшунос олимларининг асарларида уларнинг иши салбий жиҳатдан баҳоланди. “Қайта куриш” йилларида мазкур ҳолат ўзгарди. Биз ўрганаётган даврда қирғиз маънавий ҳаётига оид талайгина адабиётлар нашр қилинди. Кўпчилик тадқиқотчилар дostonчилик, халқ табобати сингари соҳаларада илмий тадқиқотларини эълон қилди. Шундай тадқиқотчилардан бири И.Б.Молдобаев қирғиз ҳаётида дostonларнинг тутган ижтимоий-сиёсий аҳамиятини кўрсатиб берди. У халқ эпосларини ўрганишни 1970 йилларда бошлаган эди. У 1975 йилда “Жайиш ва байиш” дostonини ўрганиб, ундаги баъзи атамалар таҳлилини келтирди. 1976 йил эса “Жайиш ва байиш” дostonида қирғиз ва қозоқ халқи муносабатларини ўрганиб, бу икки халқнинг қадимий алоқалари номли ишни нашр қилдирди. 1977 йилда қирғиз дostonларидаги халқ табобатига оид қисмларни таҳлил қилди. 1979 йилда халқ дostonларнинг кийиниш маданияти тарихини ўрганишдаги аҳамияти

масаласида тадқиқот олиб бориб, достонлар халқ кийимлари тарихини ўрганишда муҳим манба эканлигини исботлади. Қисқаси, достонларни ўрганган олимлар, улардаги тарихий-географик атамалар ва бошқа жиҳатлар ҳам тадқиқотчи эътиборидан четда қолмаган. 1980 йиллар ўрталаридан эса И.Б.Молдобаев асосий эътиборини “Манас” достонини ўрганишга қаратди. И.Б.Молдобаев қирғиз халқ кўшиқлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “қирғизларнинг мусиқаси асрлар давомида сақланиб келган, кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт шароитида ривож топган. Халқ кўшиқлари маросим (“қошоқ” йиғи, “жарамазан”, “бешик ири” ва бошқалар), меҳнат (“бекбекей”, “ширилдан”, “оп майда”), лирик (“Секетбай”, “куй-ген”, “армон”), ўйин (“селкинчек”), шунингдек, “балдар ири” (болалар кўшиқлари), “қиздар ири” ва бошқалардан иборат. Қирғиз шомон-бахши (бахши, куучу, бюбу, емчи ва) лар томонидан афсун-жоду ва табобат айтимлари ижро этилган. Бошқа туркий халқларда бўлгани каби оқин, манасчи, жомокчу (терма ижрочилари)нинг ижоди кенг тарқалган. Оқинлар насихат (“улгу ир”, “санат”), бағишлов (“арноо”, “мақтоо”), кутлов (“кутуктоо”) кўшиқлари, манасчилар “Манас”, “Семетей”, “Сейтек” туркумлари, “Курманбек”, “Кожожаш”, „Ке-дейхон“ каби қаҳрамонлик достонларини ижро этади. Мусиқа чолғулари орасида қадимги диддирек, жекесан, шалдирок, кўнғирок, ооз кўмуз (чсшгкўбиз) каби идиофонлар, пуфлама сибизға, чоор (най), торли қиёк, кўмуз ва бошқа мавжуд бўлган. Айниқса, кўмуз ва бошқа чолғуларда ижро этиладиган йирик шаклдаги куйлар (“қамбаркан”, “кербез”, “ботой” ва бошқалар) оммалашган”. Муаллиф қирғиз анъанавий мусиқа намуналарини тўплаш ва ўрганиш ишларига ҳам тўхталиб, бу жараён ҳақида қуйидаги маълумотларни қайд этган: қирғиз анъанавий мусиқа намуналарини тўплаш ва ўрганиш ишлари 1920—30 йилларда бошланган (А.Затайевич, В.Виноградов ва бошқалар). Шу даврдан бошлаб миллий композиторлик мактаби ҳам шакллана бошлади, К.Молдибойев, М.Абдрайев, А.Тудейев, А.Омонбойев каби профессионал қирғиз композиторлари етишди. Мусиқали драмалар (“Олтин қиз”, А.Власов, В.Фере, 1937; “Ўғлим емас, ҳаёт”, Власов, Молдибойев, Фере, 1938)нинг сахнага қўйилиши опералар яратилишига йўл очди, балет, симфониялар ижод қилинди. “Манас” эпоси асосида биринчи қирғиз операси (“Ойгўзал”, 1939, Власов, Молдибойев, Фере) яратилди. Власов ва Фере “Анор” (1940), “Арғимчок” (1943) биринчи қирғиз балетларини, қирғиз халқ куйлари асосида илк симфоник асарларини (Н.Раков билан) ижод қилишган. Власов, Молдибойев, Фереларнинг “Манас” (1946), “Тўқтағул” (1958) ва бошқа опералари, А.Омонбойев, С. Л. Германовнинг “Айдар ва Ойша” (1952), А.Абрайевнинг “Бўрон олдида” (1974) ва бошқа операларда қирғиз халқининг эрк ва бахт учун кураши акс этди”. И.Б.Молдобаев тадқиқотлари Қирғиз халқининг маънавий маданиятининг бойлигини кўрсатиб берди ва қирғиз тарихшунослигига

катта ҳисса қўшди. Юқорида келтирилган тадқиқотларда муаллиф қирғиз халқининг руҳий маданиятининг турли хил мураккаб аспектиларини кўрсатиб берган. 1980 йилларда қирғиз тарихчилари жанубий Қирғизистон маданияти ва Фарғона водийси аҳолисининг XIX аср ва XX аср бошларидаги ҳолатини махсус тадқиқот мавзуси сифатида тадқиқ эта бошлаган. Бир сўз билан айтганда қирғиз қаҳрамонлари кенг тадқиқ этила бошланди.

ХУЛОСА

XX асрнинг 70-80 йиллари Қирғизистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар даври бўлди. Марказий Осиё халқларининг барчасида сиёсий тушқунлик кайфияти уйғона бошлади. Яъни, СССР ваъда қилган кескин ўзгаришлар рўёбга чиқмаётган эди. Айнан шундай даврда 1985 йил апрель пленумида СССР МК Бош котиби М.С.Горбачёв томонидан Иттифокда “қайта қуриш” сиёсати эълон қилди. Бу сиёсатнинг вазифаси жамиятни буткул ўзгартиришга йўналтирилган. Аммо, бунинг аниқ тизими ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли бу ҳам ўзини оқламади. Қувонарлиси, “қайта қуриш” сиёсати тарих ва бошқа соҳаларга бироз бўлсада эркинлик берди. Халқлар ўз тарихини ўргана бошлади. Миллатлар ўз келиб чиқиши ҳақида китоблар ёзди. Тил эркинлиги каби масалалар кўтарилди. Шу сабабли СССР тезроқ парчаланиб, мустақил давлатлар пайдо бўлишига замин яратилди. Қирғизлар ҳам тарихини ўрганиб, Ўш шаҳрини қадимий эканлигига оид адабиётлар яратди. Социализмни салбий оқибатлари ҳақида 1989 йилларда турли мақолалар пайдо бўлди. Миллий озодлик курашчиларини “босмачи” деб аташ тўхтатилди. 80 йиллар охирларида “қирғизлар Россияга қўшиб олинган эмас” мустамлака этилгани ҳақида архив маълумотлари топилди. Бу жараёнлар мустақил қирғиз давлатининг пайдо бўлишида муҳим рол ўйнади.

XX асрнинг 70-80 йилларда қирғиз маънавий ҳаётига оид адабиётлар таҳлил қилинганда зиддиятли ҳолатга дуч келамиз. 1970 йилларда ёзилган ишларда “яшасин СССР”, социализм, СССРнинг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва маданияти ривожига қўшган чексиз “ҳиссаси” ўрганилган бўлса, 1980 йилларнинг ўрталаридан вазият ўзгаргандек кўринади. Миллий маданиятни тиклаш, дostonларнинг халқ маънавий ҳаётида тутган ўрни сингари масалалар етакчи ўрин тутган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Токтоғонов С.А. Становление и развитие социалистической культуры Советского Киргизстана (1918-1958) — Фрунзе, 1972
2. Клычев И. Интернациональное и национальное в картине. -Искусство, 1972, № 7, с.2-4.
3. Рыбакова И.А. О творчестве Нагим-Бека Нурмухаммедова. -Искусство, 1977, № 5, с.32-36.

4. Уметалиева Дж.Т. Изобразительное искусство Киргизии. -Фрунзе: Кыргызстан, 1978. 118 е., 16 л. илл.; Уметалиева Дж.Т. Отражение нашей эпохи; 0 развитии киргизской скульптуры 60-х 70-х годов. - Лит.Киргизстан, 1976, № 3, с.84-87.
5. Татыбекова Ж. С. Великий Октябрь и женщины Киргизстана. -Фрунзе: Кыргызстан, 1975. 172 е.
6. Мурас: Калыгул, Арстанбек, Молдо Кылыч, Алдаш молдо, Жеци жок, Токтогул жана башкалар. - Фрунзе: Кыргызстан, 1990; Молдо Кылыч (Шамырканов М.): Казалдар. - Фрунзе: Адабият, 1991; Калыгул Бай уулу: Элге кенен тараган ырлар жыйнагы. -Бишкек, 1992. Молдо Нияз: Санатдигарастар. Б.: Учкун, 1993; Кебекова Б. Арстанбек. Бишкек.: Илим, 1994; Какеев А.Ч. Философская мысль в Кыргызстане: поиски и проблемы. - Бишкек, 1995; Мукасов СМ. Проблемы истории общественно-философской мысли кыргызского народа // Эхо науки: Известия НАН Кыргызской Республики. 1996. № 3. С. 76-79.
7. Молдобаев И.Б. О некоторых социальных терминах эпоса «Жаныш и Байыш» // Вопросы киргизской терминологии. Фрунзе, 1975. С. 182-198.
8. Молдобаев И.Б. Об этнокультурных связях киргизского и казахского народов (по материалам эпоса «Жаныш и Байыш») // Этнические и историко-культурные связи тюркских народов СССР. Всесоюз. тюркологии, конф. 27-29 сент. 1976 г. Тез. докл. и сообщ. Алма-Ата, 1976.
9. Молдобаев И.Б. Эпос и народная медицина // Здоровье (Ден соолук). 1977. № 3. С. 8-9.
10. Молдобаев И.Б. Киргизский эпос как источник по истории одежды // Сов. этнография (далее — СЭ). 1979. № 2. С. 137-140.
11. Вклад В.В. Бартольда в использование фольклора киргизского народа как историко-этнографического источника // Вопросы истории, идеологии, философии, культуры народов Востока. Источниковедение, историография. Тез. конф. аспирантов и молодых научных сотрудников. М, 1981. Т. 1. С. 14-16.
12. О географических терминах эпоса «Жаныш и Байыш» // Вопросы киргизской терминологии. Фрунзе, 1981. С. 167-184.
13. В фокусе комплексного исследования. Рец. на кн.: Р.З. Кыдырбаев. Генезис эпоса «Манас». Фрунзе, 1980 // Литературный Киргизстан. 1982. № 2. С. 115-119.; Башкирско-киргизские параллели в этнонимике эпоса «Манас» // Вопросы истории Южного Урала. Уфа, 1982. С. 83-92.: Немеркнущее сказание: 100 лет первой публикации эпоса «Манас» // Учитель Киргизстана. 1985. 18 декабря.; Узбекско-киргизские этнокультурные связи в

свете эпоса «Манас» // Фольклор, литература и история Востока. Матер. III Всесоюз. тюркологич. конф. Ташкент, 1984. С. 403-406.; Эпос «Манас» как источник изучения духовной культуры киргизского народа. Фрунзе, 1989.; 180 статей для двухтомной энциклопедии «Манас» // Манас. Энциклопедия. Т. 1-2. Бишкек, 1995 (на кирг. яз.); Кыргызско-казахские этнокультурные связи в эпоху М.Х. Дулати (по материалам эпоса «Манас») // Проблемы древней и средневековой истории Казахстана. Алматы, 1999. С. 322-331.